
МАРҒИЛОНДА ЮНЕСКО ШАФЕЪЛИГИДА АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК, ДИЗАЙН ВА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИ БЎЙИЧА 10 КУНЛИК ТРЕНИНГЛАР БОШЛАДИ

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган, 12 октябрдан 22 октябрга қадар бўлиб ўтадиган тадбирларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 60 дан зиёд ҳунаرمандлар ва дизайнерлар иштирок этади.

ЮНЕСКОнинг Европа Иттифоқи билан биргаликда амалга ошираётган "Афғонистон, Марказий Осиё ва Эронда Ипак йўли мероси йўлаклари - Европа маданий мероси йилининг халқаро жиҳатлари" қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган ушбу тренинглари Республика "Ҳунаرمанд" уюшмаси ҳамда Марғилон шаҳридаги Ҳунаرمандлар маркази билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

10 кун давомида иштирокчилар анъанавий ҳунаرمандчиликни сақлаш ва қайта тиклаш, замонавий либослар намоишида анъанавий амалий санъатнинг ўрнини кучайтириш, ҳунаرمандчиликда самарали менежмент ва маркетинг, маҳсулотлар рекламасида интернет ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан фойдаланиш каби назарий машғулотлар билан бирга, анъанавий каштачилик, қўлда гилам тўқиш, миллий матоларни бўяш, этно-дизайн каби мавзуларда амалий машғулотлар ўтказишади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-10-14 10:44:52